



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 26 январь, чоршанба

№ 8 (11.707)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисида

Жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантиришга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний соғлом ва маънавий бой ёш авлодини тарбиялашга, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга кенг жалб этилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек 2005 йил Ўзбекистон Республикасида «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 декабрдаги Ф-2095-сон фармойиши билан ташкил этилган Республика комиссияси томонидан вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари ва жағғармалар билан биргаликда ишлаб чиқилган «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури тасдиқланган.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг иловада назарда тутилган тадбирлари тасдиқланган республика бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштиришнинг аниқ манбалари, бажарувчилар маблағлари билан таъминланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кўйилдиғилар «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг асосий максатли вазифалари ва йўналишлари ҳисоблансин:

- одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлигини сақлашга тўғри ва маъсул яшаш муносабатида бўлиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлишга, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга интилишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш;

онаник ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатлигини яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилишини ва уларни баркамол қилиб тарбиялашни таъминлаш лойиҳалари ва тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг, айниқса қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги билимлари ва маданиятини ошириш, санитария ва шахсий гигиена қоидаларининг аҳамияти ҳамда уларга риоя этиш зарурлигини ёш авлод чўқур англаб етишида ота-оналар ва педагоглар ролини кучайтириш;

гипертондликка, чекишга, юқумли касалликлар, шу жумладан сил касаллиги ва ВИЧ/ОИТС тарқалишига қарши кураш бўйича аниқ мақсадга қaratилган фаолиятни ташкил этиш;

ТАЪМИНОТ ЯХШИЛАНДИ

Иккинчи муаммони бартаф этиш мақсадида қўшни Оқоричиқ тумани ҳудудидagi «Ўзбекистон» автомат-газ тақсимлаш шохбасидан Паркентга қўшимча тармоқ тортиш масаласи илгари сурилди. Мазкур қурилиш бугун деярли поёнига етди. Олиб берилган сай-ҳаракат тўғрисида бугун туман ҳудудида газ таъминоти тўлиқ яхшиланди. Умумий узунлиги 7,4 километр бўлган тармоқни қуриб битказиш осон кечгани йўқ. Туман ҳудудидagi барча ширкат хўжаликлари, ташкилот, корхона ва муассасалар жамоалари бу ҳақдаги ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўши-

Тўйчи ДўСТМАТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоларини тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари этиб тайинлансин:

Орипов Абдулла – Ўзбекистон Республикаси Ўзвчилар уюшмасининг раиси

Воҳидов Эркин Воҳидович – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси

Йўлдошев Беҳзод Содиқович – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, Ядро физикаси институти директори

Кучерский Николай Иванович – Навоий кон-металлургия комбинати бош директори

Иномова Светлана Турсуновна – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси

Убайдуллаев Ботир Ҳусанович – «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси

Боқибоев Эркин Жўраевич – Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси

Шарифхўжаев Мурод – Тошкент молия институти ректори

Усмонов Мираброз Зуфарович – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Одилхўжаева Сурайё Маҳкамовна – Тошкент юридик институти «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» кафедраси профессори вазифасини бажарувчи

Кучеров Вадим Петрович – «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» акциядорлик жамияти бош директори

Муҳиддинова Фарруҳа Фахриддиновна – Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Раҳмонкулов Мираброз Ҳожиаббарович – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котибининг биринчи ўринбосари

Ҳудайберганов Турсинхан Айдарович – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

Ражабова Мавжуда Абдуллаевна – Тошкент шаҳар Яққасарой тумани жиноий ишлар бўйича судининг раиси

Сафоев Солиқ Солиқович – Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 2005 йил 24 январь.

«Баркамол авлод – 2005»



БАРЧА ИМКОНИАТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

Спорт юлдузлари осмондан тушмайди. Ҳамма замоналарда, беистисно, барча мамлакатларда «юлдузлар халқ орасидан, аниқроқ, болалар, ўсмирлар, ёшлар орасидан етишиб чиққан ва доимо шундай бўлиб қолади.

Шу нукта назардан қараганда, мамлакатимизда уч босқичли анъанавий спорт мусобақалари — умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизими муассасаларининг «Баркамол авлод» ва ниҳоят, олий ўқув юртилари талабаларининг «Универсиада» ўйинларининг изчил йўлга қўйилгани айни оқилона бўлди дейиш мумкин. Келгусида жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир «юлдузларимизнинг айнан шу уч босқичда узлуқсиз давом этадиган жиддий мусобақалар жараянларида обдон тоблашилари шубҳасиздир. Бинобарин, ушбу мусобақаларнинг ҳар бир босқичига алоҳида маъсулият ва маънавий манфаатдорлик билан тайёргарлик кўриш ва юқсак савияда ўтказишдан ҳеч бир жамоа, ҳеч бир фуқаро эрта қолмаслиги керак.

Маълумки, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизими муассасаларида таълим оловатган ўсмирларнинг «Баркамол авлод — 2005» мусобақаларида бу гал Тошкент вилояти мезбонлик қилади. Ҳозир жой-

ларда ушбу мусобақаларга тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирган. Бу ҳақда вилоят ўрта махсус ва касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Тolibжон УМАРАЛИЕВ «Тошкент ҳақиқати» газетаси муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

«Юртимизда болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги уч босқичли спорт мусобақалари анъанавий тус олинганга қўп вақт бўлгани йўқ. Аммо, бу тадбирларнинг самараси амалда яққол намоён бўлмоқда. Эндиликда нафақат ички, балки халқаро мусобақаларда ҳам юқсак натижалар кўрсатиб, юртимизни жаҳонга танитаётган спортчиларнинг аксарияти мамлакат таълим тизими муассасаларининг анъанавий спорт ўйинлари жараянида ўз маҳоратларини тоблаётганлар. Бинобарин, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларида қанча кўп ёшлар иштирок этса, шунча яхши. Бу жараён бутун мамлакатда жисмоний тарбия ва спортнинг умумий омалашувига қўли туртки бўлиши шубҳасиз. Шу боис ўқувчи ва талаба ёшлар спорт ўйинларини ҳар жиҳатдан

оқилона ташкил этиш ва лозим даражада тантанали тус бериш мутасадди ташкилотларнинг ҳам маъсулиятли, ҳам шарафли бурчидир.

Айни кунларда «Баркамол авлод — 2005» мусобақалари республика финал босқичи мезбони сифатида вилояти мизда тайёргарлик ишлари кенг қўламада ва жадал сурьатларда олиб борилмоқда. Вилоят ҳокими Қозим Тўлаев раҳбарлигидаги ташкилий қўмита тайёргарлик жараянларини изчил бошқармоқда. Ҳар ҳафта мунтазам ўтказилаётган қўмита йиғилишида вазир атрофида муҳокама этилиб, набатдаги вазифалар белгилаб берилляпти.

Ташкилий қўмита таркибиде тузилган тўртта ишчи гуруҳ ўз фаолиятини қизғин бошлаб юборган. Жумладан, қурилиш, таъмирлаш, коммунал ва транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этуви ишчи гуруҳи мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотларини таъмирлаш ва тартибга келтириш, шунингдек, янгиликларни барпо этиш ишларини мувофиқлаштириб бормоқда. Вилоят ҳокимлиги ва ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази вакиллари билан биргаликда вилоятдаги мавжуд спорт иншоотларининг ҳолати ўрганиб чиқилиб, энг маъқуллари танлаб олинди. Ҳусусан, стол тенниси, футбол, бокс, англик атлетика ва оғир

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ЯКУНИГА ЕТДИ

Мамлакатимизда қарийб тўрт ой давом этган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — сайлов кампанияси ниҳоясига етди.

2004 йил 26 декабрда ўтган сайлов ва 2005 йил 9 январдаги такрорий овоз бериш натижаларига қўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўйи палатаси — Қонунчилик палатасига депутатлар тўлиқ, яъни 120 нафардан иборат таркибда сайланди.

Сайлов ва такрорий овоз бериш жараянида маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам сайланди.

Шу йил 17-20 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига бўлиб ўтган сайлов натижаларига қўра, юқори палата аъзоллигига сайланган 84 нафар сенатор рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигига мувофиқ, Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси Ўзбекистон Республика-

си Президентининг 2005 йил 24 январдаги Фармонида қўра фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида, давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида қатта амалий таърибга эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган обрўли фуқаролар орасидан тайинланди.

Сайловнинг барча жараянлари миллий қўнунчилик ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларда зиммасига олган мажбуриятлари доирасида ташкил этилди. Фуқароларимиз сайлов ва сайланиш ҳуқуқидан эркин фойдаланиши учун тегишли шарт-шароит яратилди. Сийсий партиялар сайлов қўнунчилигида қўзда тутилган имкониятлардан тўлиқ фойдаландилар.

Сайловда Ўзбекистоннинг беш юзга яқин, хоржидан эса юздан ортққ оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳаллий

КУН ТАРТИБИДА — ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР

Эркин демократик жамият қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда аёлларимизнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги роли ва нуфузларини янада ошириш, уларнинг барча соҳадаги ҳақ-ҳуқуқларини амалда қафолатлаш, бу ишларга бош-қош бўлиб, ўз атрофига минглаб аёлларни бирлаштирган хотин-қизлар қўмиталарининг мавқени янги сифат даражасига кўтариш борасида кўп иш қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ва-

зирлар Маҳкамасининг бу Фармон ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган дастурни тасдиқлаш ҳақидаги қарори бу борода янги босқични бошлаб берди. Вилоятимизда Президент Фармони ва ҳукумат қарорининг маъмул-моҳиятини кенг тарғиб этиш, уларда илгари сурилган вазифаларни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлари фаол иш олиб бормоқда.

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси бошқаруви (Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси 27 январь кун соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биносида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисига келган Қонунчилик палатаси депутатлари 26 январь кун соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 27 январь кун соат 15.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биносида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлисига келган Сенат аъзолари 26 январь кун соат 14.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ! Эслатиб ўтамиз: Обуна давом этмоқда

Яқун, таҳлил, натижа

ДЕҲҚОН МАНФААТИ ОШИРИЛСА

ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам юқори бўлиши тайин

Оққўрон туманидаги «Қахрамон» ширкат ҳужалиги деҳқонлари ўтган йилни ҳар томонлама муваффақиятли яқунладилар. Айниқса, галла ва пахтадан режадагидан анча кўп ҳосил йиғиб олишга эришилди.

ларини ортиги билан бажаришмоқда. Қузғи шудгор барвақт тугатилди. Камқувват майдонларга шудгорлашдан олдин гектарига 25-30 тоннадан чириган маҳаллий ўғитлар солинди. Шу кунларда сугориш шохобчалари, ариқ ва зовурлар тартибга келтирилмоқда.

дов. Талиб Турғунов ва Фарҳод Жўраевлар ўша қатор ораларига сифатли ишлов бериб, озиклантриш ишларини ўз вақтида амалга оширишда ўрнатқилдилар. Сувчиларимиздан Мансур Бобоҷонов, Соатилла Сотаев, Дароб Тошев, Бозорбой Абдурахимов ва Раҳмон Умаровлар ғўзаларни меърида сугориб, керакли пайтларда шарбат суви оқиздилар.

ди. Ҳўжалигимиз томонидан шартнома шартларининг бажарилиши қатъий назоратга олинди. Шунинг учун пудратчилардан Моҳира Эгамбердиева, Уролбуви Алибоева, Тоҳима Алибоева, Раъноҳон Тошева ва Шўхрат Усмоновиёров мавсумда юқори ҳосилдорликка эришиб, мўмай даромад эгаси бўлишди.

Орамиздаги одамлар



ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛАР

Қавм-қариндошлар маслаҳатлашиб, Маҳаматхон хонадонига тўпланишган. Жуда хушчақчақ инсон. Умар йўлдоши Мавлудахонни айтмайисизми. Меҳмондўст. Шу сабабли кўпчиликнинг кўнгли шу хонадонга тортади.

Янги ташаббус билан

Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан Чиноз туманидаги мактабгача таълим муассасаларида янги ташаббус бошланди. Тумандаги 28 та муассаса ҳамширалари ҳафтанинг ҳар жума кунлари болалар билан саломатлик мавзусида суҳбатлар ўтказиладилар.

“Анинг бирла дунё боғу бўстондир, Бу ишдин яхши одамга не бордур?!” Ана шу куйма сатрлар ёдга тушганда ўлкамизда боғу роғлар яратган Ризамат Мусамухамедов, Зайниддин Фахридинов сингари машҳур кишилар, ҳалқ селекционерлари кўз олдимиздан ўтади. Ризамат ота узув ва меванинг серхосил навларини яратган бўлса, Зайниддин хожи цитрус ўсимликлар — лимон, мандарин, апельсиннинг Ўзбекистонда кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган.

ЭЗГУЛИК УНУТИЛМАЙДИ

дали ва Мухаммадазимларга ҳам цитрусчилик сир-асрорларини ўргатиб, уларда бу соҳага меҳр уйғотмоқда. Демак, оила аънаналари муносиб ворислар кўлида.

Хусан АСРОРОВ олган сурат.

зарур эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди. С. АЛИЕВ. СУРАТДА: Мухаммадазиз Фахридинов умир йўлдоши Шойиста билан бир туп ўсимликда лимон, апельсин ва мандарин етиштириш тажрибаси хусусида фикрлашмоқда.



Қишлоқ шифокорлик пункти

Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида янги қишлоқ шифокорлик пункти ва тез тиббий ёрдам бўлими иш бошланди. Ушбу икки янги тиббий масканда барча имкониятлар яратилган бўлиб,

Қишлоқ шифокорлик пункти

Бундан ташқари, шифокорлик шарафли, ўз ўрнида жуда машаққатли касб. Маҳаматхон қулоқ, томоқ, бурун касалликларини даволайди. Гоҳида мураккаб, жуда оғир операциялар ўтказишга тўғри келади.

Olamda gap? nimagar?

РОССИЯ: ЖИНОЙИ ИШ ҚЎЗГАТИЛДИ

Догистон прокуратураси 20 январь кунин Рамазон Қодировнинг синглисини ҳибсга олиш чоғида Чеченистон ИИВ ва махсус хизматлари вакиллари томонидан маҳаллий милиция ходимларига нисбатан қилинган зўра-вонлик юзасидан икки жиноий иш қўзғатди.

ТОЖИК АЁЛЛАРИ ҲАРАКАТДА

Файзия Сулаймонова ўзини ўзи ёқиб юборишга тайёр. У: «Янги йил шағамиде ёниб кетаман. Бу мен учун асло кўришчи бўлмай қолди», — дейди. Бошқдан шунчалик кўргуликлар ўтдики... Унинг оиласи тарихий маконга бундан ўн икки йил муқаддам Тожикистондан қочиб келган эди.

ГРУЗИЯ: КЎЛАМИ КЕНГ МАҚОМ

Грузия президенти Михаил Саакашвили ягона Грузия таркибидеги Жанубий Осетияга қўлами жуда кенг сиёсий мақом беришга тайёр эканлигини таъкидлади. «Биз уларга товои маблағлари, иктисодий лойиҳалар ва бошқа кўпбал нарсалар беришимиз мумкин», — деди у.

АСЛИ ЎЗИ ЙЎҚ УЙ

Қанча азоб-ўқубатлар чекиб, саргардонликда юриб, оила 1997 йилгига Қўстанойнинг бир чеккасида, халқ «Киев қўргони» деб ном берган, Аллоҳ учун ҳам унут бўлган жойда ўзига макон топа олди. Ўт тушиб, ёниб кетган, дераза-эшикларини хангилаб ётган бир «уй». Беш

«ЎЗИМИНИ ЁҚАМАН!»

Улар бу воқеани «буюк кўчирлиш» деб аташди. Ўздан ортиқ қўстанойлик оила шаҳар ҳокимлигининг ёзма оғоҳлантириш хатини олди. Ҳукумат идораси бу кишилардан ўзларининг қўбонини бўлишди.

БУЮК БРИТАНИЯ: БОШ ПРОКУРОР АЙБЛАНМОҚДА

Британиялик аскарларнинг шафқатсиз муносабатидан жабр кўрган ироқлик 40 оила адвокатига Буюк Британия бош прокурори лорд Голдсмитни чақиртириш ниятида. Ҳимоячининг сўзларига қўра, Голдсмит бундан бир йил муқаддам ироқликлар ўлдирилганлиги ва азобланаётгани ҳақида далилларни олган бўлсада, ҳеч қандай чоралар кўрмаган.

ҚИШЛОҚ ШИФОКОРЛИК ПУНКТИ

Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида янги қишлоқ шифокорлик пункти ва тез тиббий ёрдам бўлими иш бошланди.

ҚИШЛОҚ ШИФОКОРЛИК ПУНКТИ

Бундан ташқари, шифокорлик шарафли, ўз ўрнида жуда машаққатли касб. Маҳаматхон қулоқ, томоқ, бурун касалликларини даволайди.

УКРАИНА: СПИКЕРНИНГ ИШОНЧИ КОМИЛ

Олий Рада спикери Владимир Литвиннинг ишонч билан айтишига қараганда, Украина парламенти республика бош вазирини лавозимига Юлия Тимошенко номзодини тасдиқлайди.

ИСРОИЛ: ЯНА ДЕВОР МАШМАШАСИ

Исроил Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида муҳофаза девори қуриш ишларини қайта тиклади. Унинг 4 километр қисми Ариэль деб номланган йирик яхудий қишлоғи ёнидан ўтади.

